
Осиё чемпионатининг ғолиб ва совриндорлари яна бир бор эътироф этилди

Бугун Ўзбекистон тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган ҳоким ва ёшлар учрашуви давомида туман раҳбари байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионатининг ғолиб ва совриндорлари билан ҳам учрашди.

Шу йилнинг 26-30 апрел кунлари Самарқандда байдарка ва каноэда эшкак эшиш, шунингдек параканоэ бўйича бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати мусобақалари ўтказилиб, унда иштирок этган шўрқишлоқлик Зиёдбек Йўлдашалиев олтин ва кумуш медалларини, Эски Яйпанлик Абдуллоҳ Комилов эса 2 та кумуш медални қўлга киритган эди. Нуфузли мусобақадан муносиб ғалабалар билан қайтган спортчиларимиз туманда тантанали кутиб олинганлиги ҳақида аввал [хабар берилган](#).



Бугунги учрашувда туман ҳокими ҳар икки ёш байдаркачиларни муносиб ғалабалари билан яна бир бор қутлаб, уларга келгуси ўқиш ва мусобақаларда ҳам улкан зафарлар ёр бўлишини тилади. Умидли спортчиларимизга эсдалик совғалари топширилди.



2023-05-16 23:45:35